O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 19 сентябрь, № 184 (4083) Сешанба



Зафар маррраси

забт этилишида фермерлар ҳиссаси баракали бўлди

27 минг тонналик "оқ олтин" хирмони яратган ҚУМҚЎРҒОН тумани пахтакорлари шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб уддаладилар. Ҳар гектар майдондан ўртача 29 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Унинг ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди.

Ҳа, бутун эл қатори қумқўрғонликлар ҳам бу йил ҳар бир эгатга, ҳар бир туп ғўзага меҳр бериб ишладилар. Барча агротехника тадбирлари сифатли ўтказилди. Ва, ниҳоят, асад ойи охирларидаёқ ҳосилни тарозига қўйиш, йиғим-теримни бир тану бир жон бўлиб ташкил этишга киришилди. Натижада бугунги муваффақият қўлга киритилди. Яна денг, биринчи терим ҳали якунига етмай туриб!

Таъкидлаш жоизки, туман аҳли эришган бу катта ғалаба мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида қаралаётганининг самарасидир. Чунки айнан ер эгаларининг эркин фаолият юритиши учун барча шароитларни яратиб бериш республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифаси этиб белгиланган. Устига устак, бугунги фермер кечаги колхозчи ёки ширкат хўжалиги аъзоси эмас. Масалан, аввллари деҳқон даласига уруғлик, ўғит ёхуд ёнилғи олмоқчи бўлса, албатта, таъминотчи идоралар эшигида сарғаярди, беҳуда кун ўтказарди. Яна денг, идора раҳбарларининг беписандларча муомаласини айтмайсизми! Энди фермер қишлоқда асосий фигура. Уруғлик ҳам, ўғиту ёнилғи ҳам шундоққина даланинг ўзига етказиб берилаяпти. Қолгани ер эгасининг уддабуронлигию тажрибасига боғлиқ бўлмоқда. Албатта, мана шундай шароитда меҳнат қилаётган фермерлар нималарга қодир эканликларини намойиш этишмоқда. Қумқўрғонда ҳам шундай бўлди.

— Бунинг учун мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукуматимизга раҳмат, — дейди давлатга 200 тонна пахта сотган "Гулистон МНЗ" фермер хўжалиги раҳбари Абдиманноп Неъматов. — Ҳозирги шароит буткул бошқача. Илгаригидек юқоридан биров кўрсатма ё буйруқ бермайди, "план" деб тинчингни бузмайди. Ўз меҳнатингга ишониб, тажрибангга суяниб меҳнат қиласан. Шартномани уддаласанг, бас, мўмай даромад оласан. Маблағинг банкдаги ҳисоб рақамингга келиб тушади. Соддароқ қилиб айтганда, ердан келадиган фойда ҳам, зарар ҳам ўзингники.

— Фермер хўжалигида ишлаш нафақат фермерни, балки механизатору сувчини ҳам ҳисоб-китобга ўргатиб қўяркан, — дейди "Зариф-Лочин" фермер хўжалиги сувчиси Тўра Турдиев. — Ишингга қараб қанча маош олишингни биласан. Мабодо шартнома режаси бажарилмай қолса, бу рўзғорингга ҳам зарар эканлигини англаб турасан. Одамлар ончинг ўзгариб бораётганидан-да бу!

Эътиборли томони шундаки, тумандаги 330 та фермер хўжалиги жамоалари бир-бирларига қизиқиб, ўзаро беллашдилар. Яхши, ташаббус ва тажрибаларга суяниб ишладилар. Қаранг, "Саодат", "Бобоқулбобо", "Какайди", "Йўлдош Охун", "Эргаш бобо Жума ўғли" сингари фермер хўжаликларининг изларидан бугун ўнлаб, юзлаб фермерлар эргашмоқда. Улар яратаётган хирмонлар баракатидан бугун қишлоқларга файз ёғилмоқда. Улар, ўз муваффақиятларини сўз билан иш бирлигининг маҳсули сифатида баҳолашмоқда.

Пахта тайёрлаш шартнома режасини ҳамиша биринчилар қаторида бажаришга одатланган САРИОСИЁлик деҳқонлар бу йил ҳам бўш келишгани йўқ. Улар 17 минг тонналик катта хирмон яратиб, зафар маррасига етиб келдилар.

— 5695 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олдик, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ғулом Самадов. — 98 фермер хўжалигининг деярли ҳаммаси бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшди.

Сариосиё — вилоятнинг салқин, серёғин тумани. Экин майдонлари тошлоқ. Шунга қарамасдан бу ерда пахта ҳосилининг пишиб етилиши муддатлари йилдан-йилга қисқариб бораяпти (эътибор қилинг, бултургига нисбатан туманда пахта етиштириш режаси 20 кун аввал бажарилди). Муҳими, ҳосилдорлик ошаяпти. Бу, табиийки, деҳқоннинг ўз касб-корига, масъулиятига, юртига бўлган муносабати натижасидир.

— Мен механизаторман. Механизатор учун ўзи ишлаётган даладаги ҳар туп ғўза кўнглига яқин, қадрдондай бўлиб қолади, — дейди шу туманлик Собиржон Сафаров. — Биз, ҳамкасблар ўзаро тажриба алмашиб ишладик. Эҳтиёт қисм бўладими, ишчи органи бўладими, биримизнинг камимизни иккинчимиз тўлдириб бордик. Ютуғимиз ҳам мана шунда. Иш ҳақидан ташқари рағбатлантириш мукофотларининг бериб турилгани эса ғайратимизга-ғайрат қўшди.

Қаранг, эндигина сентябрнинг ярмидан ўтдик. Туманимиз аҳли эса аллақачон зиммасидаги мажбуриятни уддалади. Бу чинакам мўъжиза эмасми? Илгари ҳатто декабрь ойигача юқорининг буйруғи билан мажбуран пахта теримига чиқиларди. Эҳ-ҳе, ундаги азоб-уқубатни ўша вақтларда далага чиққанлар яхши эслашади. Чунки иш тўғри ташкил қилинмаган, ачинарлиси, одам қадри иккинчи даражали масала бўлиб қолган эди. Энди бундай қарашларга барҳам берилди. Ҳозир ҳамма меҳнатдан манфаатдор. Шунинг учун ҳам астойдил ишлашяпти.

Сариосиёликлар эл хирмонига яна 5 минг тонна хомашё етказиб бериш ниятидалар. Бу далаларда ҳали ҳосил мўл-қўллигидан далолатдир.

Олимжон УСАНОВ,
Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

16 сентябрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлашга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур кенгаш раиси Ш.Мирзиёев бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, бирлашма, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини ошириш борасида қилинаётган ишларнинг аҳволи танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилди. Бу борада жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси А.Хўжаев, оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказа бошлиғи О.Зарипов, маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Ш.Икромов, Андижон, Хоразм, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳокимлари – С.Бегалиев, И.Бобожонов, М.Нурмуродов, И.Нажмиддинов, Ш.Нурматов, М.Куччиев ахборотлари тингланди.

Президентимиз қарорига мувофиқ „ Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди. Ҳар икки тузилманинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб берилди. Эндиликда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борса, Республика Маънавият тарғибот маркази ўз фаолиятини амалий тарғибот йўналишига қаратади.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўрилди. М.Ҳожиматов Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, М.Қуронов Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари этиб тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Р.Шамшиев, Х.Султонов, Ш.Миноваров иштирок этди.

(ЎзА).

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан катта хайрия концерти бўлиб ўтди.

РАҲМАТ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Спешл Олимпикс" ташкилоти ҳамкорлигида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида ташкил этилган тадбирга пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятининг махсус мактаб-интернатлари, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, ўқитувчилари, тарбиячилари, мураббийлари ва шифокорлари таклиф этилди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди. Фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, қадимий ва бой тарихимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг ўрни каттадир.

Изчиллик билан амалга оширилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилган. Ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касб юртимизда янада қадр ва эъзоз топмоқда. Педагоглар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Минтақа тинчлиги ва осойишталиги сари

Пекинда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби хитой тилида чоп этилди.

Асарнинг тақдимот маросимида ХХР Ташқи ишлар вазирлиги, ХКП Марказий қўмитаси халқаро алоқалар бўлими, Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг ташқи ишлар қўмитаси, Хитой халқ хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти, Хитой халқ дипломатияси жамияти ва қатор ташқи сиёсий таҳлил марказлари раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчиси Н. Юсупов Хитойнинг китобни нашр этишда иштирок этган ташкилотларига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президентининг мазкур асари Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти олимлари томонидан хитой тилига таржима қилиниб, Хитой замонавий халқаро муносабатлар институтининг «Шиши чубаньше» нашриётида чоп этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоев сўзга чиқиб, йиғилганларни китобнинг мазмуни, юртимиз давлат бошқаруви, демократик институтларни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қўлга киритган ютуқлар билан таништирди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди

«Келажак овози — 2006»

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган «Келажак овози — 2006» танловининг Навоий вилоят босқичи ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Жуда қисқа вақт ичида «Келажак овози» танлови ёшлар қалбидан чуқур жой олди, — дейди «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Жаҳонгир Саримсоқов. — Шу боисдан ҳам танловнинг бу йилги саралаш босқичида турли миллат вакиллари бўлган 750 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Танловнинг жорий йилдаги вилоят босқичида ғолиблик Бадиий ва амалий санъат номинацияси бўйича Ф. Сирожов, Г. Қодирова, В. Яковлев, С. Мирзаевга, Ахборот ва коммуникация технологиялари номинацияси бўйича Ф. Шодиев, Ҳ. Казаковга, Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар номинацияси бўйича Л. Нормаев, Н. Шириновга, Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар номинацияси бўйича Ш. Аҳатова, И. Бозоров, М. Турсуновга, Архитектура ва дизайн номинацияси бўйича Ю. Ҳақбердиев, С. Попов, Ш. Эсиргапова, Э. Ҳотамовга, Бадиий ижод номинацияси бўйича Д. Баҳриддинова, М. Икромова, Р. Сабуров, С. Кенжаев, Р. Раҳмонова, Ю. Жумаевага насиб этди. Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросими ҳақиқий ёшлар байрамига айланди. Унда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси раҳбари Г. Каримова совриндорларнинг ҳар бирига компьютер ва дипломлар топширди.

Тадбирда вилоят ҳокими Б. Рўзиев иштирок этди.

Маруса ҲОСИЛОВА.

Битта гап

Ким Юн СИК,
«Корея — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси раиси, фахрий доктор.

Агар ортга назар ташлайдиган бўлсак, тенглик ва барқарорлик тамойилларига асосланган ҳолда дунёдаги кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий ҳамда дипломатик муносабатлар ўрнатган Ўзбекистоннинг ютуқларини кўриш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистонда айнан шундай фурсатки, мамлакат иқтисодиёти индустрлаштириш ва хусусийлаштириш каби механизмлар ёрдамида жадал суръатларда ривожланишни бошлади.

Айниқса, прогнозларга қараганда йил охиригача тўлиқ фаолият кўрсатиши кутилаётган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида бирлашиш жараёни кетаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон, менинг назаримда, бу иттифоқда асосий ташаббускор ва етакчилардан бири бўлади.

САФАР ЭМАС, ФАРОҒАТ

«Ўзбекистон темир йўллари» хизматингизда

Шу йилнинг 14 сентябрь куни Тошкентдан Бухорога йўловчи поезди етиб келди. Хўш, ахир бундай ҳолат неча йилдан буён рўй беради-ку, бунинг нимаси ғайритабиий деб сўрашингиз мумкин.

Орада бирмунча тафовутлар бор. Айтайлик, илгари поездлар шу масофани 12 соатда босиб ўтган бўлса, «Шарқ» дея ном олган бу поезд учун 8 соат кифоя қилди. Аввллари йўловчилар учун шунча йўл юриш «гўр азоби»га айланган бўлса, бу галгиси чинакам саёҳат, фароғатнинг ўзгинаси. Агар шу пайтгача сафарга отланганлар қаттиқ вагонларга ўтиришса, мазкур поездда йўловчиларга юмшоқ ўриндиқлар, ойнаи жаҳондаги кўнгилни кўтарувчи кўрсатувлар мунтазир.

Сафар мобайнида таъбингиз тановул қилишга ихтиёр этса, нафақат вагон-ресторанда, ҳатто, ўтирган жойингизда тугмачани босиш орқали буюртма беришингиз мумкин. Аввллари йўналишнинг бу бошидан у бошигача фақат қоронғу тун қўйнида ҳаракат қилинарди. Билсангиз, барча қулайликлар яратилган поездда кундуз куни сайр қилишнинг завқи ўзгача. Камина бу гапларни бировлардан эшитиб эмас, балки ўша поезднинг дастлабки йўловчилари сафида бўлиб қаламга олаяпман.

Ўтган йили истиқлол байрами арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов қайта реконструкция қилинган пойтахтимиздаги Марказий йўловчилар темир йўл вокзали билан танишар экан, "Тошкент-Бухоро-Тошкент" йўналиши бўйича қатновчи тезюрар поезд хусусида ҳам мутасаддиларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берган эди. Бу борада "Тошкент

(Давоми 2-бетда).

«Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

Ўзбекистон жамоатчилиги Рим Папаси Бенедикт XVI томонидан жорий йилнинг 12 сентябрида Германиянинг Регенсбург шаҳридаги университетда ислом дини ва Муҳаммад пайғамбарга нисбатан билдирган фикрларини норозилик билан қабул қилди.

Бундай чуқур ўйланмаган ва масъулиятсиз баёнот нафақат Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро тушунишга зарар етказиши, балки бутун дунёда динлараро қарама-қаршилик ҳамда экстремистик чиқишларнинг кенгайиб кетиши ҳолатларини вужудга келтириши мумкин.

Ислом оламининг машҳур намояндаларидан бири, бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ўз ҳадисларидан бирида шундай деб ёзган эди: «Ўз жаҳлини енга олган киши кучлидир».

Фақат ўзаро ҳурмат ҳамда динлар ва халқлар ўртасидаги бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш, одамларда эзгулик ва тинч-тотувлик туйғуларини тарбиялашгина бугунги дунёни сақлаб қолиши мумкин, деган асосий ғояга таянган ҳолда Ўзбекистон жамоатчилиги Понтифик Бенедикт XVI вазиятга ойдинлик киритиши ва бундан кейин ана шундай ҳолатлар юз бермаслиги учун барча зарур чораларни кўришига умид билдиради.

Ўтган ҳафтага назар

Ўзбеклар дунё цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган халқ. Буни жумлаи жаҳон аллақачон эътироф этган. Қолаверса, бой тарихий маданий меросимиз, осори-атиқаларимиз, минг йиллардан буён сақланиб келаётган обидаларимиз фикримизнинг ёрқин исботидир.

ТАРАҚҚИЁТ — БУНЁДКОРЛИК ВА ЭЗГУЛИК РАМЗИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида гўзал бир кошона барпо этилганди. Бундан буён у Маданият ва санъат кўргазмаси деб аталади. Ўтган ҳафтада бу ҳақда Президентимизнинг қарори эълон қилинди. «Тошкент шаҳрида барпо этилган Маданият ва санъат кўргазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» деб номланган мазкур қарорда таъкидланишича, ушбу даргоҳ маданиятимиз ва санъатимизнинг ноёб дурдоналари, уларнинг миллий ва умумбашарий тараққиётдаги ўрни ва аҳамиятини ҳамда бугунги ютуқларимизни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, қадимий анъаналаримизни асраб-авайлаш, ёшларимизни она юртга муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан яна бири Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти ўтказилди. Тадбир мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси томонидан «Бремен-Ўзбекистон» уюшмаси ҳамда Ўзбекистоннинг мазкур шаҳардаги фахрий консули Людигер Фоллерснинг қайд этишича, Ислом Каримов асари билан танишган китобхон юртдошимиз барча соҳалардаги ислоҳотлар изчил давом этаётгани, терроризм ҳамда диний экстремизмга қарши курашда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозир юртимизда кўплаб мамлакатларнинг элчихоналари ва консулликлари фаолият кўрсатмоқда. 13 октябрь куни Президент Ислом Каримовга Саудия Арабистони, Украина, Словакия, Афғонистон ва Германиянинг мамлакатимиздаги элчилари этиб тайинланган Мансур бин Иброҳим Муҳаммад ал-Мансур, Вячеслав Похвальский, Йозеф Мачишак, Муҳаммад Фаруқ Баракий ва Маттиас Майер ишонч ёрлиқларини топширди. Юртбошимиз ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозим билан қутлади, уларнинг келгуси ишларига муваффақият тилади. Улар мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни яна ҳам кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди.

Бугунги глобал тараққиёт жаҳоншумул муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, бу йил ён қўшнимиз Афғонистонда мамлакат тарихида энг кўп миқдорда гиёҳванд модда — 6100 тонна қорадори ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилга қараганда 60 фоиз кўп демакдир. Қўшни давлатдаги ушбу ҳолат, истаймизми-йўқми, бизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Аввало, гиёҳванд моддалар олиб ўтилиши мумкин бўлган чегараларимизни мустаҳкамлашимиз, қолаверса, мамлакатимиз аҳлини, айниқса, ёшларимизни бу иллатдан асраш йўлларини излашимиз керак. Зеро, халқимиз бекорга «Қўшнинг тинч — сен тинч», демаган.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, яқинда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши нафақат минтақа мамлакатлари, балки дунё миқёсида ҳам катта воқеа бўлди. Албатта, бу масала кеча ёки бугун кўтарилган эмас. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бундан 13 йил бурун — 1993 йилнинг 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқанди. Шундан кейин ҳам Юртбошимиз кўплаб нуфузли минбарлардан туриб, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мазкур масалага қаратиб келди. Ва ниҳоят шундай муҳим ҳужжатга имзо чекилди.

Ўтган ҳафта республикамиз матбуотида БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг ушбу шартномани имзолаш маросими иштирокчиларига мурожаатномаси эълон қилинди. Унда айтилишича, ядро қуролидан холи ҳудудлар алоҳида ва коллектив тарзда ядро қуролларини тарқатмаслик тартибини кучайтиради, ядро қуролидан холи дунёга эришиш йўлидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиради, глобал ҳамда минтақавий тинчлик ва хавфсизликни сезиларли даражада мустаҳкамлайди.

Шу ўринда ортда қолган етти кундаги эътиборга молик яна бир воқеа — Куба пойтахти Гаванада бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати саммити ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак. Гап шундаки, саммит иштирокчиларининг кўпчилиги кейинги йилларда айрим давлатлар дунёга ҳукмронлик қилиш васвасасига тушиб қолаётгани, мақсадларини амалга ошириш учун улар бошқа халқлар ва давлатлар ички ишларига аралашишгача бориб етаётганини таъкидлашди. Саммитда Қўшилмаслик ҳаракати иштирокчилари бундай уринишларни қоралаши қайд этилди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш бу йил 5,1 фоизни ташкил этади. МДҲ, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларида ўсиш суръатлари жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан ҳам юқори бўлиши кутилаяпти. Ушбу далиллар Халқаро Валюта Жамғармасининг дунё иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги маърузасидан олинди. Демак, дунё бўйлаб тараққиёт кузатилаяпти, одамларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун имкониятлар кенгаймоқда. Бу эса тинчликни, осойишталикни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Ижтимоий ҳимоянинг ёрқин ифодаси

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ҳам халқ хўжалигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар муайян ишлаб чиқариш объектларида турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда ва бу истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ҳақидаги қарори тизимда ғамхўрликнинг яна бир намунаси сифатида қабул қилинди. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзвинсаноат" компаниялари айнан ушбу жамият аъзолари ишлаб чиқарган тўшак, ёстиқ, кўрпа, чойшаб, иш кийимлари, фартук, бўз, арқон, қўлқоп, техник чўткалар ва бошқа ўнлаб халқ истеъмоли молларидан фойдаланишмоқда.

Жамият корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг пишиқлиги, сифатлилиги ва рақобатбардошлиги билан аллақачон харидорлар эътиборига тушган. Ҳозир жамият таркибида 50 та корхона мавжуд. Уларда жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 942 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Жамиятнинг хориждаги давлатлар билан ҳамкорлиги ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик туфайли чет эллардаги бундай ташкилотларнинг ижобий тажрибаси, замонавий технологиялари юртимиздаги корхоналарга ҳам жорий этилмоқда. Ҳукуматимизнинг тавсиясига биноан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида Япония давлатидан брайлча принтер сотиб олиш учун 53 минг АҚШ доллари қийматига тенг грант ажратилди.

Яқинда Кўзи ожизлар жамиятида бўлиб ўтган йиғилишда тизимдаги корхоналарнинг жорий йил олти ойлик якунлари муҳокама қилинди. Эришилган муваффақиятлар билан бирга ечимини кутаётган муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш юзасидан жамият Марказий бошқаруви раёсати томонидан тақдим этилган бир неча лойиҳалар йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

Энг муҳими, мамлакатимиздаги ҳеч бир фуқаро ҳукуматимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Ногиронлар, шу жумладан, кўзи ожизлар ҳам жамиятимизнинг барча жабҳаларида биз билан бир сафда туриб юртимиз тараққиётига ўз улушларини қўшишмоқда.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

САФАР ЭМАС, ФАРОҒАТ

Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармасида текширишларни тартибга солиш борасида йилнинг ўтган даврида ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг фаолиятини ўрганиш мақсадида ўтказилган мониторинг натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди.

Текшириш кам, самара кўп бўлса

Йиғилишни назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси раиси — вилоят ҳокими У.Яманқулов бошқарди.

Вилоятдаги барча туманлар, Жиззах шаҳри ҳудудий комиссиялари аъзолари, жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирок этган йиғилишда Зарбдор ҳамда Фориш туманлари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик борасидаги фаолиятлари ўрганилиб, таҳлил этилди.

Шу куни Пахтакор, Зарбдор туманлари ҳамда Жиззах шаҳри ҳудудий комиссиялари томонидан тадбиркорлик субъектларига яратилаётган ишлар кўлами ва самарасини ўрганишга бағишланган кўргазмали ўқув семинари ҳам уюштирилди.

Семинарда қатнашган назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши аъзолари иштирокчиларнинг Республика Президенти томонидан 2005-2006 йилларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қабул қилган Қарор ва Фармонларининг ижроси юзасидан берган кўплаб саволларига жавоб қайтардилар. Семинар қатнашчиларига зарур тавсияномалар берилиб, «Эслатма» китобчалари тарқатилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти ҳам "Шарқ" тезюрар поезди вагонларини талаб даражасида таъмирдан чиқариб, йўловчилар ихтиёрига топширди.

— Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида йўлга қўйилган "Шарқ" тезюрар поездининг вагонлари асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан жиҳозланди, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси янги технология ва технологиялар бўйича директори Авазхон Абдуллаҳўжаев. — Қувонарлиси шундаки, замон талабларига жавоб берадиган поездимизнинг вагонлари Ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилган худди шундай вагонлардан анчайин арзонлиги ва сифати билан фарқ қилади.

— Мен 40 йилга яқин вагон кузатувчиси бўлиб ишлаганман, — дейди ушбу поезднинг фахрий йўловчиси, нафақахўр Саидакбар ота Тўрахўжаев. — Ўша пайтлари биз учун сафарга чиқиш елкамизга зилдай юк бўларди. Барака топишсин. Тўғриси, шогирдларимга ҳавасим келаяпти. Айниқса, бундай тезюрар ва кенг қулайликларга эга поездларни кўриб, хурсандчилигимдан ғайратим жўшмоқда.

... Эртаси куни соат 7.20 да Бухородан Тошкентга йўл олдик. Бизни қадимий шаҳарнинг жамоатчилари, фариштали отахон ва онахонлари эзгу дуолар ила кузатиб қолишди. «Илоҳим, бу поезд халқимизга узоқ йиллар хизмат қилсин. Одамларимиз пойтахтга ва Бухорога фақат хайрли сафарлар қилишсин, темир йўлда юрган карвон доимо эзгу манзилларга элтсин!».

Бундай дуога ким ҳам қўшилмайди дейсиз. Сафаримиз охирлаганда биз ўтирган вагон кузатувчиси ғурур билан шундай сўз қотди:

— Ҳали насиб этса бизнинг поезд етиб келган вақтга қараб одамларимиз соатини тўғрилашади.

Бу сўзни асло муболағага йўйманг. Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун бўйсундирилаётган гўзал юртимизда бундай иш одатий ҳолга айлангусидир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Минтақа тинчлиги ва осойишталиги сари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учрашувда сўзга чиққан ХХР ташқи ишлар вазири ўринбосари Цяо Цзунхуай давлатимиз раҳбарининг асарига юксак баҳо бериб, хитойлик китобхонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз эканини таъкидлади. У Ўзбекистон халқи истиқлолнинг 15 йиллик даври мобайнида Президент И. А. Каримов раҳбарлигида давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида катта муваффақиятларга эришганини қайд этди. «Хитой Ўзбекистонга яқин қўшни ва дўст сифатида бундан беҳад мамнундир», — деди Цяо Цзунхуай.

ХХР Давлат кенгаши ҳузуридаги Тараққиётни тадқиқ қилиш марказининг Европа ва Осиё ижтимоий тараққиёти институти директори Ли Фэньлиннинг фикрича, Президент И.А. Каримов асарининг аҳамияти Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг тушунтириб берилгани, мамлакатнинг тинч тараққиёт йўлидан бориш тўғрисидаги қатъий қарори ифодаланганидан, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг, хусусан, ХХРнинг ишончли шерик сифатида юксак баҳоланганида намоён бўлади. «Китобнинг хитой тилидаги нашри кенг китобхонлар оммасига Ўзбекистонни янада яқинроқ таништириш имконини беради», — дейди эксперт.

Хитой ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари Мэн Цинхай китобда баён этилган Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва дастурлар муҳимлигини қайд этди.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар институти вице-президенти Цзи Чжиўе маърузасида эса Ўзбекистон раҳбариятининг 2005 йилда терроризм, айирмачилик ва экстремизмни бартараф этишга қаратилган қатъий чоралари юртимизнинг самимий дўстлари томонидан тушунилгани ва қўллаб-қувватлангани таъкидланди. «Россия, Хитой ҳамда барқарор тараққиёт сари интилаётган бошқа мамлакатлар ўзбек халқини ёқлаб чиқди», — деди у.

— Китоб биз учун Ўзбекистонда кечаётган ривожланиш ва ислоҳотлар жараёнини янада чуқурроқ англаб етиш учун яна бир кўприк бўлди. У ўзбек халқи қалбига кириб бориш имкониятини яратиб, Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва тараққиёт муаммоларини кенгроқ тадқиқ этиш учун йўл очади, — деди ХХР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой замонавий халқаро муаммолар институти етакчи мутахассиси Ши Цзэ ўз чиқишида. — Ушбу асар туфайли биз Ўзбекистон халқининг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга масъул экани, чин кўнгилдан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганини англаб етдик.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ижрочи котиби ўринбосари С. Нарисов китобда Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласидаги аниқ ёндашуви ўз ифодасини топганини қайд этди. «Мамлакатнинг ушбу ташкилот фаолиятидаги кенг иштироки, унинг раҳбарияти минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга, ўзаро ишонч ва тинчликни мустаҳкамлашга, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганидан далолатдир», — деди у.

Тақдимот иштирокчиларида Президент И.А. Каримов асарида Ўзбекистон-Хитой муносабатлари истиқболларининг баён этилгани алоҳида қизиқиш уйғотди. Улар мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини янада фаоллаштиришдан манфаатдор эканини билдирдилар.

«Жаҳон» АА.
Пекин.

Анжуман

Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугун нафақат ўрта, балки ўрта махсус, олий таълим жабҳасида ҳам ўзгариш ва янгиланишлар содир бўлмоқда.

Ҳамкорлик лойиҳаси амалда

Шунингдек, таълим-тарбия борасидаги ишларни янада жадаллаштиришда, хорижий ҳамкорларнинг жалб этилиши ҳам ижобий натижа бермоқда. Европа Иттифоқи кўмагидаги ТАСИСнинг "Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳаси шундай ҳамкорлардан биридир.

Куни кеча мазкур ташкилотнинг Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида "Касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда ижтимоий ҳамкорлик" мавзусидаги бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази директори А. Каримов, лойиҳа раҳбари П. Ливерани, Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи М. Холмуҳаммедов ва бошқалар битирувчи кадрларни иш билан таъминлашда ижтимоий ҳамкорликнинг роли алоҳида аҳамият касб этаётгани хусусида тўхталдилар.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда Васийлик кенгашлари ҳаракатини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам сўз борди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Карор ва ижро

— Бугун йўловчининг истаган манзилига хоҳлаган пайтида етиб бориш имконияти бор, — дейди Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Дилшод Кўчқоров. — Негаки, кўчаларимиз тўла машина. «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» ва қанча русумдаги автолар йўловчи хизматида.

ЙЎЛОВЧИ ЙЎЛДА ҚОЛМАЙДИ, ЛЕКИН...

Айтилган хизмат ҳақи берилса бас, бир зумда манзилга элтиб қўйишади. Лекин, ўша машина эгаларининг фаолияти белгиланган қонун-қоидалар, қабул қилинаётган қарор ва ҳужжатлар талаблари даражасидами? Афсуски, текширувлар жараёнида кўпгина «киракаш»ларнинг ўзбошимчалик билан иш тутаётганликлари очилиб қолаяпти.

Ҳақиқатдан ҳам, шаҳардан шаҳарга ёки қишлоққа қатнаётган бундай транспорт воситаларига йўловчилар аллақачон кўникиб қолишди. Улар узоғи яқин, оғири енгил бўлаётганидан хурсанд. Аммо аксарият киракашлар ўзларига билдирилаётган ишончни тўғри ҳис этишмаяпти, зиммаларидаги масъулиятни етарлича англашмаяпти. Амалдаги қонун-қоидалар, қайта-қайта тушунтиришлар уларнинг инсофга келишига ёрдам бермаяпти.

Шу йилнинг март ойида мамлакатимиз Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қароридан сўнг жойларда анчагина ноқонунийликларга чек қўйилди. Аҳолига хизмат кўрсатишга бел боғлаган транспорт воситалари эгалари тегишли корхоналар билан шартномалар тузиб, солиқ органлари рўйхатидан ўтишди. Аммо айримларга мазкур қарор ҳам таъсир этмади.

Масалан, биргина Каттақўрғон шаҳрида қарор кучга кирган июнь ойида бешта ноқонуний ҳолатга дуч келинди. Мазкур шаҳар фуқаролари Абдуманнон Ишонов, Алишер Раҳматов, Ҳабибжон Узоқов, Ашот Бобоев ва пастдарғомлик Муҳиддин Исанов давлат автомобиль назорати ва давлат солиқ инспекцияси ходимларига аҳолига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олишмади. Натижада уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жиноят кодексининг 176-моддаси биринчи қисмига асосан тегишли жазо олишди.

Солиқчиларнинг фикрича, аҳолига автотранспорт хизматида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинишига эришиш жазолашдан кўра тушунтириш ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйишга кўпроқ боғлиқ. Шу сабабдан шаҳарда бевосита йўловчи ташувчи автотранспортларни бирлаштирувчи, уларни рўйхатга олувчи корхоналар ташкил этилаяпти. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган бундай корхоналар 7 тани ташкил қилаяпти.

Демак, йўловчи йўлда қолмайди. Уларни манзилга етказиш учун автотранспорт воситалари етарли. Фақат, ҳамма гап машина эгаларининг амалдаги қонун-қоидаларга риоя этиб ишлашларида.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Тоза ҳаёт» ғолиб бўлди

Наманган вилояти стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш марказида ташкил этилган анъанавий сифат кўргазмаси — танлови ана шу саволга жавоб топиш имконини берди. Унда вилоятдаги ўттиздан зиёд корхона, хусусий фирма ва тадбиркорлик субъектлари юздан ортиқ турдаги маҳсулотларини намойиш қилишди. Ҳакамлар ҳайъати «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонасининг «Тоза ҳаёт» маъданли сувларини биринчи ўринга лойиқ, деб топди. Бу бежиз эмас. Мамлакат ички бозорида муносиб ўрин эгаллаган мазкур сувларга эндиликда хорижий харидорларнинг талаби ҳам тобора ортмоқда.

Танловда, шунингдек, вилоят иқтисодиётига муносиб улуш қўшаётган Попдаги «Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари» ҳиссадорлик жамиятининг эластик рубероидлари, «Наманганмебель» ҳиссадорлик жамиятининг идора мебеллари тўплами иккинчи ўринга, «Наманган дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг биринчи навли буғдой уни ҳамда «Поп-Фен» ўзбек-турк қўшма корхонасининг калава иплари учинчи ўринга сазовор бўлди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 19 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	925,10	1 Малайзия ринггити	334,39
1 Англия фунт стерлинги	2311,65	1 Польша злотийси	394,91
1 Дания кронаси	208,62	1 СДР	1817,33
1 БАА дирҳами	334,68	1 Туркия лираси	836,77
1 АҚШ доллари	1229,21	1 Швейцария франки	979, 84
1 Миср фунти	214,33	1 ЕВРО	1555,93
1 Исландия кронаси	17,44	10 Жанубий Корея вони	12,83
1 Канада доллари	1098, 29	10 Япония иенаси	104,28
1 Хитой юани	154,77	1 Россия рубли	45,92
		1 Украина гривнаси	243,41

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

№ 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда) **1098-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда) **33-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъекти фирма номига бўлган ҳуқуққа эга бўлиб, бу ном унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ тадбиркорлик фаолияти субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади".

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 сентябрь
№ ЎРҚ — 52

3

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фирма номлари тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида ишлатиш фирма номидан фойдаланишдир.

Фирма номидан товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

8-модда. Фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

Юридик шахс (лицензиар) ўз фирма номидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) қонун ҳужжатларига мувофиқ улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкин.

Лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитишни истисно этадиган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

9-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкий мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Юридик шахслар қўшиб юборилганда ва юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши топшириш ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс бўлинганда ёки у юридик шахс таркибидан ажралиб чиққанида фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши тақсимлаш балансига мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни тугатиш

Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш юридик шахс тугатилган ёки унинг фирма номи ўзгартирилган тақдирда, тугатилади.

11-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши

Фирма номидан ноқонуний фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади.

Агар товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номига бўлган ҳуқуқ фирма номига бўлган ҳуқуқдан илгари олинган бўлса, товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида), домен номида ушбу фирманинг номидан фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилмайди.

12-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш

4

Буклаш чизиғи

мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан ҳуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш орқали амалга оширилади.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқлари

Чет эл юридик шахслари ушбу Қонунда назарда тутилган фирма номларига бўлган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига биноан ёки ўзаро келишув принципи асосида Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан тенг равишда фойдаланадилар.

14-модда. Низоларни ҳал этиш

Фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15-модда. Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

16-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 сентябрь
№ ЎРҚ — 51

5

Таълим ислоҳоти

Инсон ҳаётига кутилмаганда хавф соладиган офатлардан бири — ёнғиндир. Шу боис ёнғинга қарши курашиш техникаси билан қуролланган юксак малакали ўт ўчирувчи мутахассис кадрларга ҳамиша эҳтиёж сезилади. Бунда мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги бўйича олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлашга ихтисослашган ягона таълим муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби муҳим ўрин тутади.

МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу олий таълим маскани ўз салоҳияти бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини ташкил этишга оид қарори мактаб фаолиятида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбари томонидан малакали ўт ўчирувчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилаётгани мазкур касбга қизиқувчи ёшлар сафининг йил сайин кенгайиб боришида муҳим омил бўлаётир, — дейди ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор М.Собиров. — Илгари ўқиш ниятида мактабимизга ҳужжат топширадиган ёшлар сони бир ўринга, нари борса, икки-уч кишига тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич ўн нафарга етди.

Подполковник Зарип Бекиевнинг айтишича, мактабда ётоқхоналар озодалиги, санитария-гигиеник ҳолатига жиддий эътибор берилади. Курсантлар ўртасида «Энг яхши казарма», «Энг яхши маиший хизмат хонаси», «Энг яхши курсант», «Энг яхши курс» каби танловларнинг мунтазам ўтказиб турилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

...Бухоролик Сайфиддин Жумаев ҳарбий хизматга болалигидан қизиққан ёшлардан. Ундаги бу қизиқиш Жондор туманидаги кимё-биологияга ихтисослашган лицейнинг ҳарбий гуруҳида ўқиб юрган кезларида янада мустаҳкамланди. Айни пайтда у пойтахтимиздаги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг 5-курсида ўқийди. Гуруҳ командири. Ҳарбийча турмуш тарзи ҳар томонлама чиниқтирган бу йигит мактабнинг энг илғор талабаларидан.

— Илгари менга ўт ўчириш анчайин осон иш бўлиб туюлар эди, — дейди у. — Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ўқиш жараёнида англаб етдимки, бу ишнинг ҳам ўзига яраша машаққати, техникасию тактикаси бор экан. Тўрт томонга сув пуркаш билан ёнғинни ўчириб бўлмайди. Соҳанинг қатъий талабларига амал қилинсагина муайян натижага эришиш мумкин. Бунда пухта билим, яхши жисмоний тайёргарлик, улкан матонат ва тажриба қўл келади.

Ўқиш ва амалий машғулотлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этилган мактабда курсантлар беш йил таҳсил олади. Ёшларнинг пухта билим олиб, соҳа сирларини мукаммал эгаллаши, жисмонан чиниқиши учун барча шарт-шароит яратилган — шинам ётоқхона, минг ўринли ошхона, бой кутубхона, ўқув-лаборатория, турли спорт секциялари курсантлар ихтиёрида.

Жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказишга мўлжалланган янги тир, ўқув-ўт ўчириш қисми қурилиб, фойдаланишга топширилгани, ўқув-лаборатория бинолари, клуб, спорт заллари ва бошқа зарур объектлар таъмирланиб, қайта жиҳозлангани курсантларнинг мактабда олган назарий билимини амалий машғулотларда синаб кўриши учун янада кенг имконият яратаётир.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида дарслик ва замонавий адабиётлар яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда давлат тилидаги икки юздан зиёд ўқув-услубий адабиёт тайёрланиб, нашр этилди. Бу таълим сифатини янада оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Айни пайтда илмий салоҳиятни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабда фаолият юритаётган олим ва мутахассислар олиб бораётган илмий изланишлар натижалари амалиётга кенг жорий этиляпти. Хусусан, физика-математика фанлари номзоди, доцент М.Усмонов томонидан яратилган ва синовдан муваффақиятли ўтган ёнғиннинг иссиқлик оқимига бардошли ускуналарга оид ихтироси 2004 йили Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Катта олтин медалига сазовор бўлди. Ўта мураккаб ёнғинларни ҳам жуда яқин масофадан туриб ўчириш имконини берадиган ушбу ихтирога Ўзбекистон Республикасида — иккита, Россия Федерациясида — учта, Туркияда битта патент олинди. Мазкур ихтиро асосида яратилган ҳимоя ускуналари кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалиётда фаол қўлланилмоқда.

Ёнғинни ўчиргандан кўра, олдини олган афзал. Шу боис Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида жамоатчилик ўртасида ёнғиннинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишларига муҳим эътибор билан қаралади. Курсантларга аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришнинг назарий жиҳатларигина ўргатилиб қолмай, амалиётда ҳам кенг синовдан ўтказилади. Жумладан, мактаб профессор-ўқитувчилари ва курсантлари ўқишдан бўш пайтларида маҳалла, корхона ва ўқув муассасаларида бўлиб, ёнғинни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, хавфсизликни таъминлаш юзасидан тушунтириш ишлари олиб боради.

Мактаб аҳли эришаётган муваффақиятлар орасида спорт алоҳида ўрин тутади. Бу ерда спортнинг камида ўн тури билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилгани курсантларнинг халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йиллар мобайнида мактаб терма жамоаси ва спортчилари мусобақаларда 42 олтин, 18 кумуш ва 24 бронза медални қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир. Мактабда уч нафар халқаро тоифадаги, ўн етти нафар спорт устаси хизмат қилади ва ўқийди.

Қисқаси, ушбу олий техник мактаб жамоаси давлатимиз раҳбари томонидан мазкур таълим даргоҳи олдига қўйилган вазифа — малакали ўт ўчирувчи муҳандис кадрлар тайёрлаш орқали инсон бошига тушиши мумкин бўлган кулфат — ёнғинни бартараф этиш, одамлар ҳаёти ва мол-мулкини «тилсиз ёв»дан ҳимоя қилишдек эзгу ишга хизмат қилмоқда.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Булоқбоши туманидаги "Махсудахон Каримова" номли хусусий фирма раҳбари Замирахон Тоштемировани кўпчилик чуқур ҳурмат билан тилга олади. У эл орасида моҳир чевар сифатида ном қозонган. Ҳозирги кунда Замирахон етакчилигида 10 нафар қиз тикувчилик, 12 нафари эса қандолатчилик билан шуғулланаётган бўлса, яна тўрт нафар оила бекаси касаначилик ортидан рўзғорларига барака киритишмоқда. Улар қўли билан тайёрланаётган костюм-шим, келинлар либоси, кўрпа-тўшаклар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Тадбиркорнинг келгусидаги нияти иш ўринлари сонини яна 20 тага кўпайтиришдир.

СУРАТДА: тадбиркор Замирахон Тоштемирова тикувчи Гулмира Исоқова билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун

ШИНА

таклиф этади

Тел.: 152-73-81,
361-40-33,
361-40-90.

Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

«Халқ сўзи» назоратида

«Бизнинг Мойгир, Туячи, Чувама, Чўнбоғиш номли қишлоқларимизни туман маркази билан боғловчи бирорта ҳам автобус қатнови йўлга қўйилмаган».

(«Ройиб бўлган йўналиш», «Халқ сўзи», 2006 йил 2 июнь)

Йўл шароити ўрганилди

«Танқидий мақола Избоскан тумани ҳокимлигининг тегишли ташкилот раҳбарлари ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари иштирокида ўрганилди. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда Пойтуғ-Чўнбоғиш, Пойтуғ-Мойгир йўналишларидан автобуслар олиб қўйилган эди. Эндиликда эса Андижондан тўртта, Избоскан тумани 148-автокорхона ҳисобидан тўртта, жами саккизта автобус йўналишларга чиқарилган.

Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун қўшимча тадбирлар белгиланиб, туманда «Пойтуғ автохизмат», «Пойтуғ транс», «ФАН транс», «Ҳамроҳ люкс» уюшмалари ташкил этилди. Ҳозир жами 385 дан ортиқ микроавтобус ва енгил автомашиналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Избоскан тумани ҳокими И.СОБИРОВ».

Избоскан тумани 148-АТК ЕАЖ раҳбарияти томонидан ҳам худди шу мазмундаги расмий жавоб олинди.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015,
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., «Шахрисабз» к.,
16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01,
132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари:
126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

«ҲИМОЯ ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

Турли мураккабликдаги хўжалик низолари

корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2006 йил

Буклаш чизиғи

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номида:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига киритилиши мумкин.

5-модда. Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

6-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқ

Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга.

Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

7-модда. Фирма номидан фойдаланиш

Қуйидагилар:

фирма номини расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш;

фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва

3

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фирма номлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Фирма номи

Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

4-модда. Фирма номида кўрсатилиши лозим бўлмаган белгилар

Фирма номида:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

2

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил,

2

Спорт

АЛИШЕР — ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Россиянинг Калининград шаҳрида ўтган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида Сирдарё вилоятининг икки вакили — Алишер Абдуллаев ва Михаил Орлов юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Жаҳон универсал жанг федерацияси уюштирган мазкур турнирда 37 давлатдан етти юзга яқин спортчи иштирок этди. Унда кикбоксинг бўйича уч карра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев яна чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Михаил Орлов эса учинчи ўрин билан кифояланди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Тўрт ўйинда меҳмонлар ғолиб

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати олий лигасида ғолиблар номи аниқланишига ҳам оз фурсат қолди. Ўтган дам олиш кунлари 24-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионатда медаллар учун курашаётган жамоалар бу сафар ҳам ўз ғалабаларини нишонладилар. Мамлакатимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» Жиззахда «Сўғдиёна» меҳмони бўлди. Ушбу учрашув пойтахтлик футболчилар учун ўқув-машғулот вазифасини ўтади, деб айтиш мумкин. Бутун ўйин давомида майдон эгалари жуда суст ўйин намойиш этдилар. Ихероуме Уче (иккита) ва Ринат Байрамовлар (3:0) томонидан киритилган голлар «Пахтакор»ни чемпионлик сари янада яқинлаштирган бўлса, жиззахлик футболчиларнинг олий лигада қолиш имкониятини анча пасайтириб юборди. «Локомотив» — «Насаф» ўртасидаги баҳс ҳам муросасиз кечди. Зафар Холмуродов иккита тўп киритиб, қаршиликлар (0:2) ғалабасини таъминлади. Совринли ўринлар учун курашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Бухоро»ни 2:1 ҳисобида доғда қолдириб, ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. «Трактор» олий лига билан деярли хайрлашган «Хоразм»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Машъал» 1:2, «Самарқанд-Динамо» — «Навбаҳор» 2:0, «Шўртан» — «Андижон» 3:1, «Тўпаланг» — «Қизилқум» 1:3.

Ҳозирча турнир жадвалида 61 очко жамғарган «Пахтакор» якка пешқадам бўлиб турибди. «Насаф» 55 очко билан иккинчи, 52 очко тўплаган «Нефтчи» учинчи ўринда бормоқда. Қуйи поғоналарда «Сўғдиёна» (17 очко) ва «Хоразм» (3 очко) жамоалари боришмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

— Бир вилоятдан учта жамоа олий табақада ўйнаяпти. «Насаф», «Машъал», «Шўртан» етмагандай, Шаҳрисабзнинг «Ҳисор»и ҳам кучлилар даврасига даъвогарлик қилаяпти.
— Бунча футболчини қаердан олишаркан?
— Қишлоқлардаги яхши футболчилар йиғилса, яна ўнта жамоага етади.

Уч жамоа олий лигада

Шу суҳбатни тинглаб туриб, ўзимизнинг қишлоғимизни эсладим. Шаҳрисабз туманининг «Кеш» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Янгиқишлоқ азалдан ўзининг футболчилари билан машҳур бўлган. Бу ернинг ўз «Пеле»си, «Миржалол»и бор. Қишлоқни иккига бўлиб турувчи сойлик чим билан қопланган. Тап-тайёр футбол майдони. Мен ёшларнинг бир неча гуруҳга бўлиниб, қишлоқ биринчилиги учун тўп суришганини, кўшни қишлоқ жамоаси билан ўртоқлик учрашувлари ўтказганининг гувоҳи бўлганман. Қишлоқдаги мактабда ҳам стадион бор. Унда жисмоний тарбия дарслари ўтилади. Сойликдаги футбол майдони эса ҳамма учун хизмат қилади. Вилоятда бундай қишлоқлар озми? Чинакам оммавий спортнинг таг-замини балки шундадир?

Бу саволларга жавоб излаб, вилоят футбол федерациясининг ижрочи директори Анатолий Курасов билан мулоқот қилдим. Унинг фикрича, қишлоқлардаги футбол жамоалари, кўча биринчиликлари футболнинг оммавийлигини кўрсатадиган омил. Футболнинг умумий ривожини таъминлашда бунинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам ҳозир барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрида спорт майдонлари бўлсин, деган талаб қўйилаяпти. Маълумки, қишлоқда спорт деганда, энг аввало, футбол тушунилади. Демак, қишлоқларда футбол майдонлари сони янада кўпаяди.

Бироқ профессионал футболнинг ривожланиши учун бу етарли эмас. Ҳар томонлама етук футболчи махсус спорт мактабларида тайёрланади. Вилоятда 2 та футбол мактаби ишлаб турибди. Ҳозирги кун талаби нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, бу етарли эмас. Уларда ўқиб, профессионал футболчи бўлиш истагини билдираётган ва бунинг учун жисмоний имкониятлари мавжуд бўлган болалар сони 5-10 баравар кўп.

— Биз ҳар йили 25 нафар ўқувчи қабул қиламиз, — дейди Қарши шаҳридаги футбол мактаб-интернати директори Хуррам Баратов. — Ўқишга киришни истовчилар сони эса 250-300 нафардан ҳам ортади. Бу биз учун яхши. Махсус тест орқали энг қобилиятли, жисмоний бақувватларини танлаб оламиз. Лекин 11-12 ёшда боланинг келажаги ҳақида етарли хулоса чиқариш қийин. Айрим болалар 14-15 ёшда ўзини тўла намоён қилади. Бунинг устига ўқувчи ўринлари камлиги учун тест натижаларига кўра яхши балл тўплаган болаларни ҳам қабул қилиш имкониятига эга эмасмиз. Ҳозир амалий машқларни мактаб-интернатимиздан узоқроқда жойлашган «Меҳнатчи» стадионида ўтказаяпмиз. Ўқувчилар махсус автобусда олиб борилади. Яқинда янги жой — марказий стадионга кўчиш ниятимиз бор. Замонавий услубда қурилган бу улкан спорт иншоотида футболчиларнинг шуғулланишлари учун ҳамма имконият бор.

Мактаб-интернатнинг ҳозирги натижалари ҳам ёмон эмас. Ўтган ўқув йилида 198 та ўқувчи футбол сирларини ўрганган бўлса, улардан 20 таси аллақачон олий табақа жамоаларига қабул қилинди, 50 таси биринчи ва иккинчи табақа жамоаларида тўп суришмоқда. «Машъал» клуби аъзоси Жасур Бобоев ва «Шаҳрихон» жамоаси дарвозабони Шерзод Каттаев эса мамлакатимиз Олимпия терма жамоаси таркибида халқаро ўйинларда ҳам иштирок этишга улгуришди. Мактаб-интернатнинг «Интернат» жамоаси вилоят биринчилигида пешқадамлик қилмоқда. Х.Баратов ўқувчилар жамоасини биринчи табақага олиб чиқишни ният қилиб турибди. Тажрибали педагог етарли асоси бўлмаса, бу гапни айтмайди, албатта.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган нақл бежизга айтилмаган. Вилоятда профессионал футбол клублари раҳбарлари футбол мактабларининг битирувчилари эришаётган натижаларни доимо кузатиб, энг қобилиятлиларини ўз сафларига олишмоқда. Футболнинг оммавийлиги, футбол мактабларида ишлаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг фидойилиги, вилоят раҳбариятининг соҳани ривожлантиришга ғамхўрлиги Қашқадарё футболини тилга тушираётган бош омиллардир. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг моҳияти билан ҳамоҳанг. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш эса вилоятда миллионлар ўйини деб тан олинган футболни янги, юксак поғонага кўтариш имконини беради.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«ТОНГ» ОАЖ

Барча турдаги кийим-кечак, тикув ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилади.

Шунингдек, тайёр мавсумий қишги кийимлар арзон нархларда таклиф этилади.

ТАЖРИБАЛИ ТИКУВЧИЛАР ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Иш ҳақи 200 000 сўмгача келишилган ҳолда.

Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко к., 21-уй.
Телефонлар: 133-07-95, 327-45-39.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Таржимонлик факультетининг Ахборот технологиялари кафедраси профессори Шавкат Аҳроровга рафиқаси

Муҳаббат ИСАМЕТДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Немис филологияси факультети Лексика ва стилистика кафедраси ўқитувчиси Гулчехра Ҳамидовага опаси

Майрам ГАИПОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

(т) -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.15 23456